Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
23 ОКТЯБРЬ 1970 й
ЖУМА
№ 251 (6120).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXIV съездини муносиб кутиб оламиз!

БЕШ ЙИЛЛИК МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

✻ БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

МЕҲНАТ ЮТУҚЛАРИ

«ШАРҚ» МЕБЕЛЬ ФИРМАСИНИНГ КОЛЛЕКТИВИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҒИНИ МУДДАТИДАН ИККИ ЯРИМ ОЙ ИЛГАРИ АДО ЭТДИ. ШУ ҲАФТА ДАВОМИДА 1971 ЙИЛ ҲИСОБИГА МЕБЕЛЛАР ИШ ЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА.

Мебелсозлар мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни айтиб беришди:

Г. МОСКОВКИН,
фирма бош инженери:

— Коллективимиз КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 53 йиллиги муносабати билан эълон қилган Чақириқларини ажойиб меҳнат ютуқлари билан қарши олди. Партиямиз съезди олдидан шундай меҳнат ютуқларини қўлга киритиш ҳар ким учун ҳам қувончлидир. Беш йиллик план бажарилди. Шу йиллар мобайнида ўттиз уч ярим миллион сўмликка яқин буюмлар тайёрланди ва сотилди. Меҳнат унумдорлиги 61 процент ортди. Бунга янги техника ва илғор технологияни жорий этиш туфайли эришилди.

Келгусида икки-уч хонали квартиралар учун мебеллар наборини чиқариш ўзлаштирилади. Келгуси йили ишга тушириладиган янги корпусда мебеллар ишлаб чиқариш жараёни тўла механизациялашт и р и лади. 1975 йилга бориб, корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баравар ортади.

С. ДОМЛАЖОНОВ,
станок ишчиси:

— Ленинча беш йилликда ишлаб чиқариш новаторларининг активлиги анча ортди. Ижодий фикр юритувчиларнинг таклифларини жорий этишдан 210 минг сўм иқтисодий фойда кўрилди. Мен ўндан ортиқ рационализаторлик таклифини киритдим. Ўтган йили деталларга ишлов берадиган станокни модернизациялаштирдим. Унда бир йўла учта детални ўйиладиган бўлди. Бу меҳнат унумдорлигини 50 процент оширди.

Яқинда, учинчи цехда яна бир янгилик жорий этилди. Илғорлари стулларнинг ярим ёй шаклдаги суянчиқлари уч операцияда тайёрланар эди. Менинг таклифим билан, бу иш жараёни қисқарди ва бир киши бошқа ишга ўтказилди.

И. ИСЛОМОВ,
партия комитетининг секретари:

— Мебелсозлар В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми т е т и, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Республика Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари Советининг Ленин юбилейи Фахрий ёрлиғини олдилар.

Ленинча меҳнат вахтаси давом этмоқда. Йил охиригача келаси беш йиллик ҳисобига бир миллион етти юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва сотилади. Бу— мебелсозларнинг партиямиз навбатдаги съездига муносиб совғаси. дир. Коллективимиз съезд очиладиган кунда тежалган материал ва электр-энергия ҳисобидан мебеллар ишлаб чиқаради.

М. ШАГИДУЛИН,
бош иқтисодчи:

— Корхонамиз 1968 йилни ишлаб чиқаришни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси билан бошлади. Иқтисодий ислоҳот ишлаб чиқаришнинг ривожланишида, техника-иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланишида ўз самарасини кўрсатди.

Шу давр мобайнида, иқтисодий рағбатлантириш фондига бир миллион уч юз минг сўм тўпланди. Ана шу маблағлар ҳисобига фанералар ишлаб чиқариш участкаси реконструкция қилинди, омборхона кенгайтирилди, янги мебеллар учун салон қурилди. Ўттизта ускуна моделизациялаштирилди, жуда кўплаб янги станоклар сотиб олинди. Ишчиларнинг меҳнат ва маиший шароитлари яхшиланди.

ЗАРГАРЛАР ТУҲФАСИ

Бадиий буюмлар фабрикасининг коллективи қадимий Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллигига атаб ажойиб совғалар тайёрламоқда. Фабрика аҳли шаҳар тарихий обидаларини ипак полотноларга туширмоқда. Шаҳар ўзбек миллий палакларн, дорпеч, дўппи ва бошқа буюмларда ўз ифодасини топмоқда.

Бундан ташқари зарғарлик фабрикаси ҳам қадимий шаҳар юбилейига муносиб совға тайёрламоқда. Фабрика ишчилари нозик ишларини Самарқандин нфода этишяпти. Бундай вишонлар юбилей кунлари тантана қатнашчиларига тақдим этилади.

«Подшипник» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар.

СУРАТДА: заводнинг 1971 йил топшириқларини адо этаётган зарбдор токари Ирма Фриц.
М. Нуриддинов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ «Юксалиш рақамлари» сарлавҳаси остида 1970 йилнинг тўққиз ойи мобайнида Ўзбекистон ССР саноатида давлат планининг бажарилиши якунлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти эълон қилинган.

◆ 1970 йил 20—21 октябрда Москвада Европадаги 27 Коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув қатнашчилари Европа хавфсизлиги учун кураш билан боғлиқ, масалалар тўғрисида фикрлашиб олдилар.

◆ Кеча Тошкент область партия комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум Тошкент область партия ташкилотининг XVI конференциясини 1971 йил 29—30 январда чақириш ҳақида қарор қабул қилди. Пленум шунингдек ташкилий масалаларни ҳам кўрди.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИНИНГ 52 ЙИЛЛИГИГА

Ёшларимиз ҳаётида қутлуғ сана — 29 октябрь яқин келмоқда. Мамлакатимиз ёшлари бу кунни — Ленин комсомолининг 52 йиллигини зўр тантана билан Байрам қиладилар. Ҳар бир комсомол аъзоси ўз ташкилоти ташкил этилган кунни муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда.

Тўқимачилик комбинати комсомол комитети ҳам бу кунни кўнгилдагидек кутиб олишга қаратилган бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди.

Жумладан, шу ойда биринчи йигирув фабрикасида ва 15-ётоқхонада шанбаликлар ўтказилди, ёшлар кечаси ташкил қилинди ва шу кунга бағишланган мусобақалар ўтказилди. Бу мусобақада қизларимиз ўз куч ва маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Фабриканинг кўпгина комсомолларн байрамни меҳнатда ва жамоат ишларида катта муваффақиятлар билан қаршн олишяпти. 30 дан ортиқ ўтюрак комсомолларимиз йиллик планларини муддатидан илгари шараф билан бажарганликлари ҳақида рапорт беришга ахд қилдилар. Булар пилталовчилардан В. Шипунова, Г. Филоменко, Матушкина, Э. Пак; пиликловчилардан М. Поддубская. Т. Мурлина; йигирувчилар В. Землянова, А. Семнарлардир.

Бошқа комсомолларимиз ҳам самарали меҳнат қилиб, йиллик планларини якунлаш арафасида турибдилар. Ҳар бир комсомол юбилей йили планини 1 декабргача якунлаш учун барча резерв ва имкониятларини ишга солиб, янада унумлироқ меҳнат қилишяпти.

Т. ҚУШМУРОДОВ.

ВАТАНГА 4.400.000 тонна пахта бераниз

ДОИМИЙ САҚЛАШ УЧУН ТОПШИРИЛДИ

22 октябрда Тошкент область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. КПСС XXIV съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларни бажариш тадбирлари тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Тошкент область партия-хўжалик активининг йиғилишида сўзлаган нутқини қуйида эълон қилаётган эдик.

✻ Шаҳримиз янгилиги

ИНСТИТУТ БИНОСИ

Бугун

Олимлар шаҳарчасида Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли механика институтининг маъмурий биносидаги қурилиш ишлари ниҳоясига етди.

Бу бинода олимларнинг илмий иш олиб боришлари учун шароитлар муҳайё этилган. Беш юз хонадан иборат корпус лойиҳасини республика Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтларини лойиҳалаш институти инженерлари яратишган.

Бино қурилишини тўртинчи қурилиш трестининг 18-бошқармаси бажарди. Бу коллектив шу шаҳарнинг ўзида олимларга яна бир муносиб туҳфа тайёрлади. Шаҳарчада йигирма икки оилани ўз бағрига оладиган бино ҳам фойдаланишга топширилди.

Булардан ташқари, олимлар шаҳарчасида химия институтининг улкан лабораториялар корпуси қуриб бўлинганлиги ҳақида рапорт берилди.

✻ Янгиликлар адреси:

Машина кўйлак тикади

Бугун

Янги машинани фабрикасида Ленинград шаҳрининг «Вулкон» заводидан келтирилган «КЛК-3» маркали кўйлак тикувчи машина ишга туширилди.

Янги машинани фабрикининг илғор ишчиси Муяссар Азимова ишлатаяпти. У мухбиримизга қуйидагиларни айтди:

— Эски машинада бир сменада ўнта кўйлак тикардим. Бу машинада эса, бир сменада қирқта аёллар кўйлаги тикиш мумкин. Машинада иш унумдорлиги ошди, сифатли кўйлаклар тикиляпти.

Келгусида фабрика яна шундай машинадан яна ўн дона сотиб олади.

Илмий ходимлар ҳиссаси

Ўзбекистоннинг фахри — «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда пойтахтлик илмий ходимлар ҳамда олимларнинг муносиб ҳиссаси бўляпти. Бу борада Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари ходимлари баракали меҳнат қилмоқдалар.

Айниқса, тарих археология институти вакиллари Сирдарё область Пахтаорол районидаги «Ленин жўли» колхозида пахта тайёрлаш давлат планининг бажарилишига яхши шароит яратиб берилган. Оқшомлари телевизор кўришади, кинофильмлар томоша қилишади, газета ва журналлар ўқишади.

Илмий ходимлар ҳам, ўз навбатида, колхозчилар ўртасида турли мавзуларда суҳбатлар ўтказишяпти. Бу деҳқонларга жуда манзур бўлмоқда.

Ҳашарчилар колхоз правлениесидан мамнун бўлишяпти. Уларнинг дам олишларига яхши шароит яратиб берилган. Оқшомлари телевизор кўришади, кинофильмлар томоша қилишади, газета ва журналлар ўқишади.

Илмий ходимлар ҳам, ўз навбатида, колхозчилар ўртасида турли мавзуларда суҳбатлар ўтказишяпти. Бу деҳқонларга жуда манзур бўлмоқда.

ДЕҲҚОНЛАРГА ЯҚИНДАН ЁРДАМ БЕРИБ

Республикада пахта йиғим-терими авжига чиққан шу кунларда Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг студентлари Сирдарё область Мирзачўл районидаги Усмон Юсупов номли совхозда деҳқонларга яқиндан ёрдам беришяпти.

Совхознинг 5-бўлимида «оқ олтин» терншаётган журналистика факультетининг студентлари айниқса, ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Иккинчи курсдан М. Каримов. М. Мирзаева, А. Курбонов, С. Набиев, III-курсдан Р. Зарипова, IV курсдан Қ. Асқаров, Н. Саъдуллаев кабн пешқадам студентларнинг ҳар бири кунига 80-90 килограммдан пахта теріб, норманн 1,5-2 ҳиссага етказиб адо этишяпти. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача 1800—2000 килограммдан, кўмуш тола теришди.

Бу бизнинг университет юбилейига совғамиздир, дейишмоқда улар.

Тошкент халқ хўжалиги институтининг студентлари барча қатори колхозчиларга пахта теримида яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар Сирдарё область Пахтакор районидаги Акмал Икромов номли совхозда «оқ олтин» териб, улкан хирмонни кўтаришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

СУРАТДА: колхоз хирмонига кунига 150-180 килограммдан кўрак тўкаётган институтнинг 1 курс студенти Шаҳло Назирова.
Ҳ. Шодиев фотоси.

● ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

ШАҲАР ИЧИДАГИ ШАҲАР

Қурилиш индустриясининг жадал ривожланиб бориши шаҳарларимизни яшаш учун қулай қилиш билан бирга ундаги биноларни бир-бирига жуда ўхшаш қилиб қўйяпти. Қурилиш суръати ҳозирги тезликда борса, ҳар бир бино ўзига хослигини йўқотиб қўяди.

Жумладан, қадимий Тошкентимиз замонавий бинолари, хиёбонлари ва кенг кўчалари билан Европа шаҳарларига тобора кўпроқ ўхшаб боряпти.

Кейинги йилларда Ўзбекистон архитекторлари замонавий биноларнинг гўзаллиги ва қулайлигини Шарқ меъморчилигининг ўзига хос томонлари билан қўшишга ҳаракат қиляптилар.

Ёш архитекторлар Н. Нефедов, В. Азимов, Г. Чернев, А. Дузик Чилонзор районининг бўлажак марказини ўзларининг диплом ишларига мавзу сифатида танлаб олгандилар. Улар яратган лойиҳадаги маъмурий турар жой ,маданий-маиший биноларнинг бир-бирига мувофиқ равишда жойлаштирилганлиги, чиройлилиги, студентларнинг Бутуниттифоқ диплом ишлари кўригида муаллифларга иккита биринчи ва иккита иккинчи мукофот олиш имконини берди. Кейин лойиҳа «Ташгипрогор» лойиҳа институтининг устахонасида янада такомиллаштирилди.

Чилонзор районининг маркази шимолий-ғарбда Қатортол кўчаси, шимолий-шарқда Волгоград кўчаси, жанубий-шарқда Чилонзор кўчаси, жанубий-ғарбда эса Фарҳод кўчаси билан чегараланадиган олтмиш гектарлик майдонда жойлашади.

Лойиҳа тўрт комплексдан иборат. Булар маданий-оқартув, савдо- маъмурий ва фаолият марказлари бўлиб, улар бир-бири билан майдонлар, кўчалар ва ўтиш, жойлари билан туташтирилган. Марказда иккита кириш йўли бўлиши кўзда тутилган: улардан бири Халқлар дўстлиги проспекти томонидан, иккинчиси эса Қатортол кўчаси томонидан бўлади.

Марказга марказий кириш йўлидан борган киши майдонга чиқади. Бу ерда кинотеатрларда қандай кинофильмлар кўйилаётганлиги. у ёки бу бинога қандай борилишини билиш мумкин. Бу ерни реклама майдони деса бўлади. Унда минг ўринли меҳмонхона, илмий тадқиқот институтлари комплекси, кино ва концерт зали ва бошқа жамоат бинолари жойлашади.

Айниқса, бу ердаги меҳмонхона диққатга сазовордир. Йигирма қаватли, конус шаклида қурилган корпуснинг дераза-лари қўёш тўсқичлар билан жиҳозланади. Бу тўсқичлар шундай ясаладики, улар ёзда Ўзбекистоннинг жазирама қуёши нурларини бино ичкарисига тушишига йўл қуймайди, қишда эса аксинча қўёш нури ва иссиқликни иложи борича хонага кўп киришига ёрдам беради. Бинонинг пастки қаватида сакқиз юз ўринли, Шарқ ва Европа таомлари пишириладиган зали бўлган ресторан қурилиши мўлжалланган.

Марказ территориясида ҳудди шу шаклда ичида «ҳовлиси» бўлган бинолар қурилади. Бу «ҳовли»да ҳаво мунтазам алмаштириб турилиши, мўътадил иқлимни юзага келтиради. Бинолардаги «ҳовли»лар — бу Ўрта Осиёнинг монументал меъморчилиги анъаналарини ҳозирги меъморчиликка ижодий татбиқ этиш натижасидир. Мино р а г а ўхшаш бу бинолар районга алоҳида ҳусн бахш этади.

Реклама майдони савдо маркази олдидаги майдон билан туташтирилганлиги ҳам жуда яхши бўлган. Бу ердаги магазинлар усти ёпиқ ва ярим ёпиқ кўчалар билан туташтирилганлигидан, улар, ҳудди бир том остида жойлашганга ўхшайди. Бу ердан харидор истаган нарсасини сотиб олиши мумкин.

Савдо майдони бозорга туташиб кетади. Бу энг катта майдондир. Унда очиқ савдо ва ярмаркалар ўтказиш назарда тутилган, Бозорда шифтида деразалари бўлган доира шаклидаги бинолар бўлади. Бу бинолар ичига мева ва сабзавотлар билан савдо қилиш учун пештахталар қурилади. Биноларнинг зангори қуббалари уларни жуда гўзал қилиб кўрсатади.

Епиқ павильонда харидорлар ва савдо ходимлари учун барча қулайликлар бўлади.

Ҳар бир майдонда кичик дам олиш зонаси жойлашади. Бу ерда фонтанлар олдида, довдарахтлар соясида мириқиб ҳордиқ чиқариш мумкин.

Маданий-оқартув марказида икки минг ўринли зали бўлган маданият саройидан ташқари, бир миллион том китоб сақлаш мумкин бўлган кўп қаватли кутубхона, кинотеатр, кўргазма ва танца заллари, пенсионерлар клуби, никоҳ саройи, музика билим юрти бўлади.

Район маркази лойиҳаси 3-устахона архитекторлари В. Косинский, Ю. Мирошниченко, А. Ануфриев, В. Азимов. А. Дизик, Л. Нефедов. Г. Чернов ва инженерлар А. Асанов, Ю. Иванниковлардан иборат авторлар коллективининг катта ижодий муваффақиятидир. У юксак меъморчилик ва шаҳар қурилиши маданиятини ифода қилиб турибди.

А. ТОЛКАЧЕВА.

СУРАТДА: бўлажак шаҳар ичидаги шаҳар.

ЎЙМАКОР АРМУҒОНИ

Океанлар оша сузиб юрган теплоходлар орасида «Алишер Навоий», «Ўзбекистон» деб ном олган пароходлар ҳам бор. Пароходларда ташкил этилган ўзбек диёрини мадҳ этувчи бурчак ва стендлар ўзига хос музейни эслатади.

Бугун

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли А. Навоий номидаги адабиёт музейи «Ўзбекистон» пароходи номига армуғон жўнатди.

Бу— ёғочга ўйиб ишланган бадиий панно.

Моҳир ў й м а к о р С. Бекбеков томонидан тайёрланган панно теплоход музейидан ўрин олади.

ТАСС АХБОРОТИ

21 октябрда АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг самолёти СССРнинг осмон чегарасини бузиб ўтиб, Ленинакан шаҳри яқинидаги аэродромга қўнди. Самолёт бешкаст эди. Самолётда бўлган тўрт киши: Америка генерали Шерер, Америка генерали Маккуэри, Америка ҳарбий ҳаво кучларининг майори, самолётнинг учувчиси Рассел ва турк полковниги Денели ўзларини таништирдилар. Шу кишиларнинг ҳаммаси соғ-саломат.

АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг шу самолёти СССР давлат чегарасини бузиб кириши билан боғлиқ аҳволни текшириб чиқиш вазифаси мутассади Совет органларига топширилди.

Дунё хабарлари

ГДР ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ПРАГАДА

ПРАГА. (ТАСС). ЧКП Марказий Комитети, ЧССР Президенти ва ҳукуматининг таклифига биноан, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ГДР Давлат раиси В. Ульбрихт билан ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф бошчилигидаги Германия Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси Прагага келди.

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Бош министр Маҳмуд Фавзи бошчилигида Бирлашган Араб Республикаси янги ҳукуматининг состави эълон қилинди. М. Фавзи бундан илгари президентнинг ташқи ишлар бўйича ёрдамчиси лавозимини эгалларди. Янги кабинет составн 28 министр ва тўрт давлат министридан иборат.

Жумладан, ташқи ишлар министри қилиб Маҳмуд Риад, ички ишлар министри қилиб Шаараун Гомаа, ҳарбий министр қилиб Ҳасан Аббос Закн тайинланди.

МЕН агентлигининг хабар беришича, миллий ориентация министридан ташқари илгарги кабинетнинг барча аъзолари ўз лавозимларида қолдилар. Миллий ориентация министри қилиб Муҳаммад Ҳасанейн Ҳайкал ўрнига Муҳаммад Фойиқ тайинланди.



ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЖАҲОН ЁШЛАРИ ҲАРАКАТИ

Ҳозирги пайтда ер шари аҳолисининг ярмини йигирма беш ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу ёшлар қаёққа боради, қандай кучлар билан бирга бўлади, деган савол идеология соҳасидаги ишларнинг асосий масалаларидан бирига айланиб қолмоқда.

Капиталистик дунёнинг бутун ҳомийлари ёшлар капитализмнинг иллатларини кўриб қолаётганини, улар марксизм-ленинизм ғояларига чуқур интилаётганларини сезиб турибдилар. Шунинг учун ҳам буржуазия идеологлари ёшларни чалғитиш йўлларда турли-туман методларни ишга солмоқдалар.

АҚШ Федерал Қидирув Бюросининг директори Эдгар Гувер 1969 йилнинг 31 майида ташвишланиб шундай деган эди: «Америка ёшлар ўртасидаги революционлашувга кечикмасдан эътибор бермоғи керак». Ҳа, капиталистик мамлакатларнинг идеологлари ёшлар ўртасида революцион ҳаракатларнинг тобора кучайиб бораётганлигидан ташвишга тушмоқдалар. Ёшларни ўз томонларига қаратиб олиш мақсадида империалистик реакциянинг дипломати маддоҳлари бутун куч ва воситалардан фойдаланмоқдалар. Буннинг далили сифатида Америка Қўшма Штатларида, Япония, Германия Федератив Республикаси, Норвегия ва бошқа бир қатор мамлакатларда ёшлар ва талабалар масаласи бўйича махсус министрликлар ва давлат комитетларининг тузилишини келтириш мумкин. Капиталистик мамлакатларда ана шундай конструктив ишларнинг амалга оширилишига қарамай, ёшларнинг революцион ҳаракати тобора кучаймоқда. Бунинг асосий сабаби ёшларнинг қатъий эксплуатация қилинаётганлиги, уларни барча сиёсий ҳуқуқлардан чекланганлигидадир. Капитализм ўз табиатига кўра барча меҳнаткаш инсоният душманидир. Ундаги барча ҳуқуқсизлик ва қашшоқланиш ҳозирги пайтда асосан ёшлар зиммасига тушмоқда, улар иқтисодий жиҳатдан эзилмоқдалар, буржуазия идеологиясининг кучли таъйиқига учрамоқдалар, милитаризациянинг асосий оғирликларидан азоб чекмоқдалар.

Айниқса, ҳозирги замон илмий-техника революцияси Ғарб ёшлари олдида турган янги проблемаларни келтириб чиқармоқда. Капитализмдаги ҳозирги ишлаб чиқариш процессида иштирок этмоқ учун маҳсус ишлаб чиқариш практикаси керак. Кўпчилик ёшлар мактабдан тўғри ана шундай мураккаб ишлаб чиқариш процессига бора олмайдилар, ишлаб чиқариш процессининг такомиллашган, техникалашган даражасига жавоб бера олмайдилар. Капиталистик дунёнинг энг бой мамлакати бўлган Америка Қўшма Штатларида собиқ вице-президент Губерт Хеморфрининг айтишича, 1968 йилда ўқишни томомлаган ёшлардан икки ярим миллион киши ишга ираолмаган. Францияда эса 1968 йилнинг охирида 25 ёшгача бўлган 200 минг ёш француз ишсиз эди.

Бундан ташқари капиталистик мамлакатларда ёшларга тўланаётган иш ҳақи талаб даражасида эмас. Англияда 21 ёшгача бўлган ишчиларнинг оладиган маоши катта ёшдаги ишчилар оладигандан бир хил иш учун тўрт-беш марта оздир. Францияда бўлса бир хил иш учун 18 ёшгача бўлган ўсмирлар катталар оладиган иш ҳақининг 30 процентини оладилар, холос. Меҳнат муҳофазасининг йўқлиги туфайли Германия Федератив Республикасида ҳар йили содир бўлаётган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг 40 проценти 16—17 ёшдаги ўсмирлар бошига тушмоқда. Капиталистик дунё ёшлари учун энг қийин проблемалардан бири юқоридагидек ишга жойлашиш бўлса, иккинчиси ўқиш ва маълумот олишдир. ЮНЕСКОнинг маълумотига қараганда, жаҳоннинг мактаб ёшидаги 52 процент боласи ўқиш имкониятдан маҳрумдир. Тинимсиз қашшоқланиш, иқтисодий ва сиёсий қуллик капиталистик дунё ёшларини ўз ҳуқуқлари учун курашга чорламоқда. Ёшлар сонининг ортиб, уларнинг сиёсий фаолияти кучайиб бораётган дунё ёшларини Вьетнамга ёрдам бериш ойлигига чақирди ва юз минг доллар йиғиб Вьетнам халқига «Дўстлик эшелони»ни юборди. Бу демократик ташкилотларнинг чақиригига ёшлар актив қўшилдилар. Ҳозирги кунда ҳам Жаҳон Демократик Ёшлар Федерацияси ва Халқаро студентлар Иттифоқи Ўзининг муқаддас революцион традицияларига содиқ ҳолда иш олиб бормоқда.

Жаҳон ёшлар ҳаракатининг кучайишида унинг муҳим отрядларидан бири — ўсиб бораётган мамлакатлар ёшлари ҳам актив роль ўйнамоқдалар. Бунга асосан курашаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг ёшлари киради. Саводсизликка, ишсизликка, мустамлакачиликка, социал адолатсизликка қарши кураш — бу мамлакатлар ёшлари курашининг характерли хусусиятидир.

Ҳозирги замон жаҳон ёшлари ҳаракатида — бу ҳаракатнинг энг кучли ва салобатли отрядладан бири бўлган социалистик мамлакатларнинг коммунистик ёшлар ташкилотлари энг катта роль ўйнамоқда. Аввало шуни айтиш керакки, социалистик мамлакатлардаги коммунистик ёшлар ташкилотлари Коммунистик партияларнинг социализм ва коммунизм қуришдаги энг яқин кўмакчиларидир. Масалан, Германия Демократик Республикаси Озод немис ёшлар союзи «Эртанги кун ярмаркасининг мастери» деб аталувчи ёш ишчилар мусобақасининг ташаббускори бўлиб чиқдилар. Монголия Халқ Республикасининг ёшлари янги ерларни ўзлаштиришда қаҳрамонларча меҳнат қилмоқдалар.

Жаҳон ёшлар ҳаракатида Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг фаолияти, айниқса, катта ўрин тутмоқда. Шу кундарда комсомол ўз сафларида 27 миллион илғор совет йигит ва қизларини бирлаштириб турибди. Бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи бўлган коммунизм қурии ишида комсомол ёшларимиз мисли кўрилмаган жасорат билан меҳнат қилмоқдалар. Комсомолнинг XVI съезди бу меҳнатларнинг чинакам кўрки бўлди. Мамлакатимиз комсомол-ёшлари КПССнинг XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақанинг ҳақиқий байроқдорлари бўлмоқдалар.

Дарҳақиқат, XX аср ёшлар ҳаракати инқилобий тараққиётнинг муҳим фактларига айланиб, инқилобий туғум, жамият олдига муҳим масалаларни қўйганлиги билан характерланади. Бу масала антагонистик жамиятда жамиятни революцион асосда қайта қуриш бўлса, социалистик мамлакатларда коммунистик жамият қуришдан иборатдир.

С. ХОЛМИРЗАЕВ,
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг аспиранти.

КОМСОМОЛ СИЁСИЙ МАОРИФИ ПРОПАГАНДИСТЛАРИГА ЁРДАМ

Самарқанд юбилей арафасида

ЎзТАГ мухбири В. Пономорёнуло Самарқанд область ижроия комитетининг раиси С. Ҳамроқулов билан учрашиб, уз юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўраётган шаҳар тўғрисида гапириб беришини илтимос қилди.

— Ўрта Осиё халқи равишда ер юзидаги тўнғич шаҳарларни барпо этган районлар қаторига киради, — деда ўртоқ Ҳамроқулов. — Маълумки, бу ерда эрамиздан аввалги биринчи минг йилликдаёқ шаҳар типидаги манзилгоҳлар вужудга келган эди. Ўзининг 2500 йиллигини нишонлаётган Самарқанд ўлка маданиятидаги ана шу энг муҳим жараённинг жонли мисоли бўлиб хизмат қила олади. Афросиёб кўҳна шаҳридаги қазишмалар деярли икки юз йилдан бери давом этмоқда. Аввал бошда Самарқанд жойлашган ана шу ерда топилган нодир нарсалар ҳамиша қувонтириб келмоқда. Археологлар топаётган жуда ноёб ёдгорликлари шаҳарсозликнинг бизга номаълум саҳифаларини очиб бермоқда.

Самарқандда қуювчилик, темирчилик, ойна ва қоғоз ишлаб чиқариш жуда эрта ривожланган. Шаҳар турли ҳунармандчилик касблари—кулолчилик, зарбчилик, ўймакорлик, тўқувчилик касблари билан азалдан шуҳрат қозониб келган.

Самарқанд ишчилари, зиёлилари Туркистондаги революцион ҳаракатда ҳам муҳим роль ўйнадилар. Бу ерга сургун қилинган революционерлар Ленин нашр этган «Искра» газетасини тарқатдилар. Шу ерда нашр этилган «Самарқанд» газетаси ўлкада биринчи бўлиб РСДРП программасини ҳамда партиянинг III ва IV съездлари қарорларини босиб чиқаришга ҳаракат қилдилар. Большевистик варақалар, хитобномалар босилган ишрин босмахонанинг қаерда эканлиги яқинда аниқланди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Самарқанд таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди, ривожланган замонавий шаҳарга айланди. Собиқ майда хунармандчилик корхоналари ўрнида 53 та завод ва фабрика бошқа кўпгина қурилиш, транспорт корхоналари, коммунал ташкилотлар вужудга келди.

Шаҳардаги 23 та олий ва ўрта махсус ўқув юртида 53 мингдан ортиқ студент таълим олмоқда. Университет, медицина, қишлоқ хўжалиги, педагогика, архитектура—қурилиш институтлари ва техникумлари ҳамда бошқа ўқув юртлари Ўзбекистон халқ хўжалиги ва бошқа республикалар учун олтмиш хилдан ортиқ касбдаги мутахассисларни тайёрлаб бермоқда.

Шаҳардаги илмий-тадқиқот институтларида катта-катта тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу институтлар базасида кейинги вақтнинг ўзида ўнтага яқин Бутуниттифоқ ва республика илмий конференцияларини ўтказилди, қорақўлчилик институтида эса қорақўлдушунос олимларнинг халқаро учрашувлари уч марта бўлиб ўтди.

Самарқандниг моддий хаёти қулф урмоқда. Шаҳарда тўртта театр ва концерт зали бор. Опера ва балет театри уларнинг энг ёшидир. Бу ерда ёзувчилар, композиторлар, рассомлар ижодий союзларининг бўлимлари, маданият саройлари, ўнлаб клублар, олтмиштадан ортиқ кутубхона ишлаб турибди.

Самарқанд тез ривожланмоқда ва кўркамлашмоқда — кейинги вақтларда 125 та янги кўча очилиб, обод қилинди. Тўртта микрорайонда кўп қаватли уйлар қурилмоқда. Биринчи космонавт Юрий Гагарин номи берилган ана шундай массивлардан бирида қирқ мингдан ортиқ самарқандлик янги уйларга кўчиб кирди.

Қадимий маданият ва халқ меъморчилиги обидаларини қайта тиклаш соҳасида катта ишлар қилинди.

Юбилей кунларигача кўпгина янги объектлар ишга туширилди. Улар орасида учта меҳмонхона бор, янги аэровокзал ишлай бошлади. Унинг биноси қадимий ёдгорликлар услубидаги нақшлар ва бадиий безаклар билан жиҳозланди.

Ҳозир шаҳар байрам либосида. Мамлакатнинг турли шаҳарларидан Самарқанд юбилейига келаётган олти юздан ортиқ меҳмон байрам тантаналарида қатнашади. Меҳмонлар юбилей выставкаларини бориб кўрадилар. шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан самарқандликларнинг меҳнатдаги муваффақиятлари билан танишадилар.

ЖОНАЖОН Ватан бўлаб

КУЧ ВА МАҲОРАТ СИНАШАДИЛАР

Қизил ўрдага, сунъий дарё ва сув ҳавзаларининг ҳидротехник иншоотларини, гидромеханизаторлари ва бошқа техникани ва сув хўжалигини механизациялаштиришга оид Бутуниттифоқ конкурсига Ўзбекистон сув хўжалиги ташкилотларининг бир группа илғор қурувчилари жўнаб кетди. Ўзбекистон ССР мелиоратив ва сув хўжалиги министрлигининг, «Средазирсовхозстрой» ва «Узглавводстрой»нинг бульдозерчи ва скрейперчилари биринчи марта мамлакатнинг энг яхши механизаторлари билан куч ва маҳоратларини синашадилар.

[ЎзТАГ].

КОИНОТ ҚАЪРИНИ ЎРГАНИШ УЧУН

ССРР Фанлар академиясининг Зеленчук астрофизика обсерваториясида қурилаётган жаҳонда энг катта кўзгули телескопнинг металл конструкциялари монтаж қилиб бўлинди.

Коинотнинг ҳали текширилмаган қаърларига «кўз ташлайдиган» 43 метрли улкан телескоп графикда кўзда тутилганидан анча олдин йиғилиб бўлди. Телескопнинг вазни 600 тоннадан ошадиган ҳамма бўриладиган қисми бир кишининг кучи билан ҳаракатга келтирилиши мумкин. Аммо, астроном шунга ҳам қўлини урмайди. Атайин Зеленчук обсерваториясига учун яратилган электрон машиналар бошқарувчи кўпдан-кўп механизмлар телескопни ва у билан бирга астрономик миноранинг улкан гумбазини ҳам буради.

Электрон миянинг ўз «кўжайини»—вақт хизмати лабораториясида бор. Бу ерда ҳам ускуна ва асбоблар монтаж қилиниб бўлди. Шу асбоблар астрономик вақт аниқ маълумотларини бошқариш пультига бериб туради.

Энди гал 6 метрли улкан рефлекторга келди. У телескопда кўзгуга тақлид қилиб ўрнатилган муваққат эгизаги ўрнини олиши керак. Катта шиша палахсасининг сферик юзига акс қайтарувчи юпқа алюминий парда қатлами югуртириладиган махсус камера учун вакуум установкасини йигиш ишлари бошлаб юборилди.

К. МИЦЕНКО.
ТАСС мухбири.
Ставрополь.

СУРАТДА: бугунги Самарқандниг Ленин кўчасида қурилган янги маиший хизмат уйи.
В. Сироткин фотоси.

Тошкент тепловоз депосининг ремонтчилари тепловозларни ўз вақтида жорий ремонтдан чиқармоқдалар.

СУРАТДА: ремонт участкасининг зарбдор слесари коммунист Виктор Газин.

Раҳмдил бўлинг!



Табиатни муҳофаза қилиш Тошкент шаҳар бўлими оммавий ташкилотлардан бири ҳисобланади. Унинг вазифаси Узбекистон пойтахтини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, яшил кўчатларни муҳофаза қилишга қаратилган барча тадбирларга актив ёрдам кўрсатишдан иборат.

Бу қийин, лекин олижаноб вазифа ўз сафларида юз мингдан зиёд ташаббускор-жамоатчиларни бирлаштирган жамиятимиз активлари ёрдами билан тўғри ҳал қилинмоқда.

Аммо табиатга ваҳшиёна муносабатда бўлаётган айрим шахслар, муассаса раҳбарлари ҳам йўқ эмас.

Богдан Хмельницкий кўчасидан Шота Руставели кўчасигача ва Комсомол кўлида дарахтларга мих билан қоқилган шиорлар ва эълонлар саф тортиб турибди. Ҳар қадамда яшил дўстларимизга бўлаётган ёмон муносабатнинг гувоҳи бўласиз.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, дарахтга қоқилган мих ўсимлик организмида модда алмашинувининг бузилишига олиб келади.

Биз аминмизки, кўчадаги дарахтга мих қоққан киши ўз ҳовлисидаги, боғидаги дарахтларга мих қоқишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Беруний майдонидаги дарахтларга гўшт комбинатининг 1 ва 69-профессионал-техника билим юртларининг эълонлари катта-катта михлар билан қоқиб қўйилган. Олмазор кўча, 17-уй яқинидаги «Сартарошхона» тахтачаси эса дарахтнинг ўзидан ҳам катта.

Шота Руставели ва Богдан Хмельницкий кўчалари кесишган ердаги эълонлар ва тахтачаларни кўриб кўзингиз қамашади. Бу ерда 9, 11, 30, 63-профессионал-техника билим юртлари дирекцияларининг ҳамда бошқа корхона ва муассасаларнинг «бадиий ижоди» билан танишишингиз мумкин.

Б. Хмельницкий кўча 7-уй, 4-квартира олдида троллейбус трестининг ходимлари металл арқон билан сим ёғочни дарахтга тортиб боғлаб қўйишибди.

Чапдаги суратлар айрим корхона ва ташкилот ходимларининг табиатга ваҳшиёна муносабатда бўлаётганликларидан гувоҳлик бериб турибди.

Шу муносабат билан: «Одамлар, раҳмдил бўлинг!» дегинг келади.

В. КОПЬЁВ
табиатни муҳофаза қилиш Тошкент шаҳар бўлими раисининг ўринбосари.

Пойтахтлик ёш пахтакорлар

Тошкентда пахта териш қизғин давом этяпти... Ҳа, бунга ажабланманг! Чилонзор массивининг Ҳаёт кўчасидаги 3-уйда ёш натуралистларнинг Марказий станцияси жойлашган. Тажрибали педагог М. Содикова раҳбарлигида бир гектарга яқин пахтазорда 18 хил кумуш толе навлари етиштирилди. Улар ичида «Тошкент-1», «Тошкент-2» ва «108—Ф» навли пахта сортлари бор. Йиғилган хосил мўлжалдагидан кам бўлмади.

Дарҳақиқат, ёш пахтакорлар пахта илмини пухта ўзлаштиришяпти. Бу эса уларнинг келгусида агрономлик касбини эгаллашда катта ёрдам беради. Станциянинг биргина пахтачилик тўғарагида 50 дан ортиқ ёш табиатшунос қатнашади.

Ёш табиатшунослар станциясида 15 тўғарак мавжуд бўлиб, 600 га яқин ўқувчи қатнашяпти. Уларнинг сабзавот, боғдорчилик, гулчилик, галлачилик, парранда-чилик ва бошқа тўгараклерда табиат сирларини пухта ўрганишида А. Ширифов, М. Аҳмедова ва Б. Миралиев каби ўқитувчиларнинг роли катта бўляпти.

Мўл-кўлчилик

Бизнинг интервью

Бу йилги тўкин-сочинлик, қузнинг мўл ҳосилидан шаҳарликлар бенуқсон мамнундирлар.

Дўконларнинг қай бирига назар ташламанг, ҳаммасида картошка, пиёз, помидор, сабзи каби сабзавот маҳсулотидан тортиб олма, нок, узум сингари турли-туман мевалари, тарвуз қовунларнинг уйилиб ётганини кўрасиз.

Ана шу бўлиқ ҳосил кузданина эмас, қишда ҳам шаҳарликлар дастурхонини тўлатиб туриши учун катта ишлар олиб борилияти. Куз неъматларини узоқ муддат сифати бузилмай сақлайдиган махсус омборлар қурилияти.

Биз Куйбишев райпишчеторгининг директори З. Ҳусанов билан суҳбатлашдик.

У шундай деди:

— Барча саноат корхоналари каби Куйбишев райпишчеторги коллективи ҳам бу йилнинг ўтган йилдагига қараганда товар оборот планини ортиғи билан бажарди.

Товарооборот планининг муддатидан анча олдин бажарилишининг бош сабаби асосан, савдо корхоналари сонини кўпайганидадир. Шу йили, Олой бозорда ўзўзига хизмат қиладиган эллик ўринли катта мева-сабзавот магазини очилди. Шимолий-Шарқ, Черданцев, Луначарский каби турар-жой массивларида ўн беш ўринли ўта қўшимча павильон очилди. Шу сабабли, бу йил мазкур районларда сабзавот сотилиши бўйича шикоят деярли тушаётгани йўқ.

Коллективимиз бу йил 45 минг тонна картошка, 6,3 минг тонна турли сабзавотлар, икки минг тонна полиз, 870 тонна мева, 600 тонна узум, жами ўн тўрт минг тонна маҳсулот сотиши керак.

Биз партия съездини меҳнатда янги-янги ютуқларга эришган ҳолда, зиммамизга оширилган мажбурият олиб кутиб олмоқдамиз.

Маҳсулот сифати яхши сақланиши учун кўп қаватли холодильник қурилмалари ўрнатилди. Пишлоқ, бринза, сабзавот консервалари, балиқ каби озиқ-овқат маҳсулотлари Болтиқ бўйи республикаларидан келтирилди.

Високовольтний, Шимолий-Шарқ, Луначарский маркази каби турар-жой массивларида ўн беш ўринли ўта қўшимча павильон очилди. Шу сабабли, бу йил мазкур районларда сабзавот сотилиши бўйича шикоят деярли тушаётгани йўқ.

Коллективимиз бу йил 45 минг тонна картошка, 6,3 минг тонна турли сабзавотлар, икки минг тонна полиз, 870 тонна мева, 600 тонна узум, жами ўн тўрт минг тонна маҳсулот сотиши керак.

Биз партия съездини меҳнатда янги-янги ютуқларга эришган ҳолда, зиммамизга оширилган мажбурият олиб кутиб олмоқдамиз.

2-бет. Тошкент оқшоми

23 ОКТЯБРЬ 1970 Й.

Меҳнаткашлар мамнун

Маҳалла меҳнаткашлари ўртасида ташвиқот-тарғибот ва маданий-оқартув ишларини олиб бориш учун яхши жиҳозланган В. И. Ленин номидаги клубимиз ва қизил чойхонамиз бор.

Худди келин тушадиган ҳовлидек безатилган ана шу оммавий маданият ўчоғи маҳалламизда истиқомат қилувчиларнинг иккинчи уйларига айланган. Биз бу ерда шахмат, шашка, домино ўйинлари мусобақаларини, ҳам ўтказиб турибмиз. Уюштирилаётган суҳбат ва лекциялар ҳамиша қизиқарли бўлади. Халқимиз учун анъана бўлиб қолган тарихий воқеалар, байрамларни нишонлаш ва кутиб олиш, пенсияга чиқувчиларни эзозлаш, куёв-келинларга бахт тилаш, янги дунёга келган ёки граждан-ларга исм қўйиш сингари маросим, тантаналар ҳам ана шу клубда ўтказилади.

Юбилей йилининг август ва сентябрь ойларида шаҳар Советининг «Озодалик ва ободончилик» ойлиги ўтказиш ҳақидаги қарорини амалга оширишда, юқумли касалликларга қарши кураш, умуман саломатликни сақлаш учун курашда бутун ёш-қари маҳалла меҳнаткашлари актив қатнашдилар.

Ўнлаб проезд тупиклари бирлаштирган маҳалламиз Октябрь районидаги катта ва сернуфуз маҳаллалардан ҳисобланади. Маҳалламизда ойлик давомида 4-шаҳар шифохонасининг бош врачи Тожихон Шокирова, участка врачлари Ўғилой Зарипова, Карнилова 8-дорихонанинг мудири Ҳалил Толипов, 3-болалар консультациясининг шифокорлари томонидан суҳбат ва лекциялар уюштирилади. Мунтазам шанба ва якшанбаликлар ўтказиб турамиз. Тозаликни сақлаш мақсадида провад, тупик, катта кўчаларга навбатчи фаррошлар белгиланган. Клуб совети Октябрь районидаги 92-мактабнинг кекса ўқитувчиси, шахсий пенсионер Абдулҳақ Саидов, кекса бинокор Имон Муслимов, илмий ходим Мирахмад Мирусмонов, Ҳамида Аҳмедова, маданият ходимларидан Арабхон Мирахмедова дардан иборат.

Ана шу советнинг ташаббуси билан яқинлашиб келаётган Улуғ Октябрь инқилобининг 53 йиллиги байрамига тайёргарлик ишларини олиб борувчи ва байрам тантаналарини ўтказувчи комиссия тузилди.

Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими, район маданият бўлимларидан келадиган лекторлар кучи билан лекция ва суҳбатлар уюштирилади. Деворий газета чиқарилади. Шу кунларда клубда яқинда ўз ишини тамомлаган Узбекистон ССР Олий Совети сессияси қабул қилган қарорлар кенг аҳоли ўртасида ишлаб чиқилмоқда.

Носир МАҲСУМОВ,
Калинин номли маҳалла комитетининг раиси пенсионер.



«Средазэнергоцветмет» техника ишлаб чиқариш корхонаси коллективи мамлакатимиз халқ хўжалиги учун зарур бўлган турли хил приборларни кўплаб ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: йиғув участкасининг катта инженери Матвей Воряс навбатдаги приборни созлаш жараёнида.

М. Нуриддинов фотоси.

Ихлоси

Ёш талантларимиз

парвозга қанот

Олий санъат даргоҳи бўлган Н. Островский номидаги Тошкент Театр ва рассомчилик санъати институти ҳам ҳар йили абитуриентлар билан гавжум бўлади. Кирувчилар учун ана шундай серташвиш кунларнинг бири эди. Биз аудиторияларнинг бирида уч-тўрт қизлар билан кириш имтиҳонлари тўғрисида баҳс юритардик. Бир зум ўтмай хонада қизлар кўпайиб кетишди.

— Баҳор ҳақида ашула борку, шунинг оҳангини ўзимча бироз сингдиролмаяпман, — деб қолди жамалак сочли Маҳбуба жовдираганича қизларга қараб.

Қизлар бир-бирларига нотаниш бўлганлари учун тортинибми, ҳар қалай жимгина жилмайишарди, холос. Шу пайтда қорачадан келган, истарали, дўмбоққина бир қиз ўртага чиқди-да «Мен айтиб кўрайчи, сўзларини яхши биламан», — деди.

Бир пасда хонани ашула тутиб кетди. Ёмон эмас. Усулга туша олар экан. Ушанда қиз ўзини ярим имтиҳондан ўтгандай ҳис этди.

— Навбат сеники, киравер Гулчеҳра! — дейишди, дугоналари коридорда ҳаяжонланиб турган бу қизга.

Тийрак, қалбида қандайдир ўзига хос яширин актриса нафосати уфуриб турган бу ёш талаба имтиҳон комиссияларини ҳам эътиборини ўзига тортди. Биринчи кириш имтиҳони муваффақиятли ўтди.

Мана шу воқеага ҳам тўрт йил бўлибди. Гулчеҳра жуда ёшлигидан адабиётни, санъатни севиб, унга ихлоси ортиб борди. У мактабда ўқиш билан бирга Н. Островский номидаги драм тўгарак раҳбари Учқун Раҳмоновнинг берган сабоқлари талантли ёшларга, жумладан, Гулчеҳра учун ҳаётда муносиб касбни танлай олишига йўлланма бўлди. У тўгаракда турли-туман роллярни завқ билан киришиб ўйнади. Ёзувчи А. Раҳматнинг «Абдулла Набиев» асарида Маъсума, Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» спектаклидаги Валя Бружак каби роллари унинг актёрликка қизиқишини янада ёркин кўрсатди.

Танганали кунларнинг бирида «Абдулла Набиев» пьесаси Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри саҳнасида намойиш қилинди. Довюрак, жамоатчи комсомол қиз Маъсума ролининг ижрочиси ёш Гулчеҳра кўпларнинг диққатини ўзига тортди. Шундан кейин театр директори Гуландом опа уни шу театрга таклиф этди.

Бу орада у ўрта мактабни ҳам тугатиб, театрда иш бошлади. Назарий билимларини эса институт аудиторияларида ўтказиб борди. Гулчеҳра маҳорат сирларини биринчи бор ёш мутахассис педагоглар Арсен Исмоилов ва Раҳим Сайфуддиновлардан ўргана бошлади. Ўқиган билимларини амалда — театр саҳнасида мустаҳкамлаб борди. Натижада унинг «Пўлат қандай тобланди»да— Тоня «Дил тортса»да — Ҳаётхон, «Али-Вали»да — Юлдуз ва кичкинтойларнинг энг севимли спектакли «Қовоқхон билан Чаноқхон»да Ғужумой каби турли характердаги яратган образлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Истеъдодли режиссёр Ҳабибулло Файзиев қайта саҳналаштирган «Абдулла Набиев» спектаклида Гулчеҳра ҳар бир ролни ўзига хос характери ва хусусиятини топа билади. Бир мисол: ёш драматург Латиф Маҳмудовнинг «Али-Вали» спектаклидаги Юлдуз образини олайлик. Аввало, Гулчеҳра — Юлдуз кўринишни жиҳатидан 10-11 яшар қизчанинг айнан ўзи эди. Энди унинг ана шу ёшга яраша саҳнадаги енгил ва жажжи ҳаракатлари, гапиришлари билан ёш томошабинларни ишонтира олади. Театрнинг ижодий коллективи ёниқса, собиқ режиссёри И. Ахмедов ва ўзининг умр йўлдоши талантли актёр Лутфулла Саъдуллаевлар Гулчеҳра ижодига яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

1968 йили Гулчеҳра учун яна бир кузончли воқеа бўлди. У. «Узбекфильм» студияси. А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи асосида яратган кинофильмда Зайнаб ролини ижро этиш шарафига муяссар бўлди. Бу билан Гулчеҳра мураккаб киносанъати соҳасида ҳам яхшигина ижод қила олишдек қобилиятини илк бор кўрсатди.

Санъат — мисоли тубсиз денгиз. Қидирган сари унинг янги-янги дуру-гавҳарлари ярқираб кўринади. Жилоси эса инсонга ҳузур бахш этади. Тўғрисини айтганда, Гулчеҳра кўпроқ телевидение орқали элга танилиб келяпти. Унинг ўзбек ва қардош халқлар ёзувчиларининг асарлари асосида тайёрланган телевизион театр ва инсценировкаларда яратган ҳар бир образи ранг-баранглиги билан бир-биридан фарқланади. «Қисмат»даги маъюс Узуҳамол, «Холамни қутқаринг» даги енгил ва хушчақчақ Сумбул, «Инжа Мамед»да драматик характердаги Ҳадича каби ролларни моҳирона ижро этди. Айниқса, Москва эшиттиришлари учун тайёрланган «Холисхон» телеспектакли пойтахт томошабинларига ҳам манзур бўлди. Ундаги Холисхон образини Гулчеҳра рус тилида ишонарли, аниқроғи, ўзи бўлиб ўйнади. Телевидение ҳақида сўз кетганда телеэкран ижодкорларининг асосий бўғини бўлмиш режиссёрларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Телевизионлаштирилмоқ ч и бўлган асарнинг юксак савияли ва бадиий гўзал бўлиши асосан режиссёрга боғлиқ. Ҳар бир асарнинг жанрига мос актёр, актрисани танлай билиш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Бу ўринда режиссёр С. Анорқулов, М. Асадуллаев, М. Маҳкамов, Г. Еқубов, З. Соличева, Х. Алиевларнинг меҳнати диққатга сазовордир. Фикримизнинг далили сифатида юзлаб томошабинлардан келган мактубларнинг бирини келтирамиз: «Ҳурматли телестудия ходимлари! Биз Нишонов Абдукаюм ва Абдурасулов Ўроллбой сизларнинг 23 февралда экран орқали намойиш қилинган У. Исмоилийнинг «Зафар» телеспектакли бизда жуда кучли таассурот қолдирди. Биз шу хат орқали С. Анорқулов ва бош ролларни ижро этган актёрлардан Л. Саъдуллаев, Г. Саъдуллаеваларга, ижодий баркамоллик ҳаётларида янг и д а н янги муваффақиятлар тилаб қоламиз», — деб ёзишади сирдарёлик ўқитувчи ва колхозчи ўртоқлар.

Яқинда Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ўлмас Умарбековнинг кўп сонли китобхонларни ҳаяжонга солувчи «Одам бўлиш қийин» романи ҳам экран юзини кўрди. Икки қисмдан иборат бўлган бу телесценарий автори ва режиссёри Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Мели Маҳкамовдир. Унинг ана шу иши энг яхши теледрамаларидан бири бўлиб қолди. Асар қаҳрамонлари Абдулла ва Гулчеҳралар яна шу икки талантли ёш артистлар ижросида гавдаланиб, томошабин қалбига ҳузур бахш этди.

Қалбида санъатга чексиз меҳр-муҳаббат тўлиб-тошган бу ёш талантли актрисага ижодий омад ва янги парвозлар тилаймиз.

Адиба НОСИРОВА,
санъаткор.

Шаҳримиз аҳолисига кузги сабзавот ва мева сотиш кун сайин кенг йўлга қўйилмоқда.

СУРАТДА: Киров райпишчеторгига қарашли 25-магазин сотувчиси Л. Бисирева олма билан савдо қилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Планетамиз янгиликлари

Музикашунос ташаббускорлар

БУДАПЕШТ. (АПН мухбири). Маҳаллий музикашунос ташаббускорлар группасининг ишчилари революцион ашулаларни тўплаш бошлаганига йигирма йил бўлди. Улар бу ишда вафот этганига 25 йил тўлган кун жаҳон музика жамоатчилиги томонидан ҳали яқиндагина нишонлаб ўтилган буюк венгер композитори Бела Барток ва машҳур музикачи, венгер халқ музикасининг катта билармони ва тадқиқотчиси Золтан Кодай томонидан ишлаб чиқилган методни қўлламоқдалар. Халқ ашулаларининг будапештлик ҳаваскорлари олиб бораётган ишлар кўпгина давлатларда эътироф этилди: Бела Бартокнинг Венгрия Халқ Республикасининг пойтахтида жойлашган ва кўп ҳолларда Будапешт музикашунослик музейи деб аталувчи архиви бутун дунё мамлакатларида ишчиларнинг ашулаларини тўплаш бўйича халқаро илмий марказ қилиб танланди.

Бу архивда халқ ашулаларини эҳтирос билан севган ва улардаги темаларни ўзининг кўпгина асарларида ривожлантирган буюк композиторнинг мероси авайлаб сақланмоқда. Архивда шаҳар халқ музикасини, ишчилар синфининг фольклорини тадқиқот қилиш иши билан шуғулланувчи махсус группа юзага келтирилган. Венгрия ишчиларининг биринчи ашуласи 1906 йилда сорго деган экин ҳосилини йиғиштириб олаётган пайтда яратилган. Ҳозирги кунда бу ашула Венгрия ишчилар синфининг фольклорини тадқиқот қилиш иши билан шуғулланувчи махсус группа юзага келтирилган. Венгрия ишчиларининг биринчи ашуласи 1906 йилда сорго деган экин ҳосилини йиғиштириб олаётган пайтда яратилган. Ҳозирги кунда бу ашула Венгрия ишчилар синфининг фольклорини тадқиқот қилиш иши билан шуғулланувчи махсус группа юзага келтирилган. Венгрия ишчиларининг биринчи ашуласи 1906 йилда сорго деган экин ҳосилини йиғиштириб олаётган пайтда яратилган. Ҳозирги кунда бу ашула

ФОЙДА КЕТИДАН ҚУВИБ

Ҳиндистон ҳукумати тайинлаган махсус комиссия дори-дармонларнинг янги нархларини икки ойдан буён ўрганмоқда. Комиссия икки минг йирик, ўрта ва майда корхона эгалари томонидан ишлаб чиқарилаётган салкам олти минг номдаги дори-дармон нархини ўрганиб чиқиши, ўз ишини шу йил декабрь ойигача тамомлаши лозим.

Бироқ Ҳиндистонда чиқаётган «Линк» ҳафталик журнали комиссиянинг бу ишнинг уддасидан чиқаолишига шубҳаланиб қарамоқда. Гап, қилинадиган иш ҳажмининг катталигидагина эмас, балки шу дори-дармонларни бозорга чиқарувчиларнинг комиссия ишига салбий муносабатда бўлаётганида ҳамдир.

Ҳиндистон фармацевтика фирмаларининг асосий кўпчилиги чет эл компанияларининг филиаллари ҳисобланади. Чет эл фармацевтика монополияларининг дамодлари ҳақидаги яқинда ошкора бўлиб қолган маълумотлар, ок халат кийган бизнесменлар ҳиндларнинг касаллик ва батобилиги эвазига сурбетлик билан бойлик орттираётганликлари и н и кўрсатди. Расмий ҳисобларга қараганда бу монополиялар олаётган фойда 400 процентгача, етади! АҚШ конгрессида бўлиб ўтган муноза-лар вақтида ўзларининг базъи маҳсулотларини пуллашда беш мингдан ўн минг процентгача фойда олаётган дори-дармон ишлаб чиқарувчи Америка фирмаларининг борлиги аниқланди. Шунингдек, бу ва ғарбдаги бошқа фирмалар ривожланаётган мамлакатларга, шу жумладан Ҳиндистонга, зарур стандарт талабларига жавоб бермаётган дори-дармонлар сотаётганликлари ҳам маълум бўлди.

Дори - дармонларга Ҳиндистон ҳукумати белгилаб қўйган нархлар даражаси ғарб мамлакатларидаги нархлардан анча юқори бўлишига қарамай чет эл фирмалари уни тинмай ошира бордилар. Шунинг учун Ҳиндистон ҳукуматининг шу йил 15 майдаги дори-дармонларнинг нархлари устидан назорат ўрнатиш ҳақидаги фармони фармацевтика компаниялари томонидан душманлик билан кутиб олинди. Улар Англия мустамлакачилари томонидан 1911 йилда ишлаб чиқилган патентлар тўғрисидаги қонунни пеш қилиб, патентланган камёб дори-дармонларни бозордан йиғиштириб қўя бошладилар. Бироқ, Ҳиндистон парламентининг кейинги сессияси иккала палата депутатларининг кўпчилик овози билан патентлар ҳақида янги қонун лойиҳасини қабул қилди.

Янги қонун ҳукуматга дори-дармонларни уни ишлаб чиқараётган мамлакатлардан бевосита импорт қилиш имконини беради, дори-дармонлар. озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган химия маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бўлган махсус ҳуқуқларни беш йилгача қисқартиради. Шунингдек бу қонун, эгаси уч йил давомида ишлаб чиқаришда қўлланмаган патентлардан ҳукуматнинг ўз ҳохишича фойдаланиши учун имкон яратади. Шундай қилиб, чет эл монополияларининг йиртқичларча интилишини тўхтатиб туришга ёрдам берадиган юридик асослар вужудга келтирилди.

Лекин бунинг учун Ҳиндистон ҳукумати шиддатли кураш олиб бориши зарур бўлади. АҚШ конгресси комиссияларидан бирининг вакили, Америка фирмалари Ҳиндистон маъмурларининг қаршилигини енгиш учун етарли куч га эга деб айтди.

«Линк» журналининг далолат бериб ёзишича, Деҳлига вакил қилиб тайинланган ғарбий Европа элчиларидан бири, агар нархларни янада туширш талаб этиладиган бўлса ўз мамлакатининг фирмаси Ҳиндистондаги фаолиятини тўхтатади, деб Ҳиндистон нефть-химия министрлигига билдирган. Журнал элчи ва унинг мамлакатининг номини айтмайди. Ҳамма капиталистик монополияларнинг манфаатлари бир хил— қандай қилиб бўлмасин хатто киши соғлиғини хавф остида қолдириб бўлса ҳам фойда ва яна фойда олишдан иборат бўлганидан кейин бу номларнинг тилга олиниши муҳим ҳам эмас.

В. ТРУБНИКОВ.
(АПН).

САЁҚ МУҲОЖИРЛАРНИНГ ЁВУЗ КИРДИКОРЛАРИ

АНҚАРА. (ТАСС). Илгари маълум қилинганидек, турк маъмурлари совет «АН—24» самолётининг экипажига бандитларча ҳужум қилган икки жиноятчи қотилни топшириш тўғрисидаги масалани ҳанузгача ҳал қилганлари йўқ. Туркия адлия министрлигининг расмий вакили шу бандитларга нисбатан «қарор қабул қилингунича, бирон ҳафта ёки ундан кўпроқ вақт ўтса керак», деди.

Шу муносабат билан ҳар хил қора ниятли муҳожир ва антикоммунистик ташкилотлар. фаолиятини активлаштираётганлиги эътиборни ўзига жалб қиладики, булар Туркия ҳукуматига бевосита тазйиқ кўрсатишга уринмоқдалар ва Франс Пресс агентлигининг ёзишича «самолёт ўғриларини ушлаб бермасликни талаб қилмоқдалар». «Литвалик муҳожирлар ташкилотининг раҳбарлари» айни мақсадда АҚШдан Анқарага келганликлари маълум қилинмоқда.

Бир вақтлар нацистлар билан қалин ҳамкорлик қилган ва ўзлари совет халқига қарши кўпдан-кўп қонли жиноятлар қилган, ҳозирда эса империалистик давлатлар нинг разведкалари, жумладан, АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси қарамоғида бўлган ҳарбий жиноятчилар шу ташкилотларнинг ишларини бошқариб турганликлари ҳаммага маълум, зотан, бир хил бандитларнинг иккинчи хил бандитларни ўз паноҳига олишга уринишки кишини ҳайратда қолдирмайди. Аммо, Туркиянинг муайян доиралари афтидан шу бандитларнинг фикрига қўшилишга мойил эканлиги кишини ҳайратда қолдиради ва ғазабини келтиради. Чунончи, Трабзон шаҳри биринчи босқич судининг чиқарган қарори ва икки жиноятчи қотилни Совет Иттифоқига топшириш тўғрисидаги мутлақо очиқ-ойдин масалани ҳал қилишни чўзиб юбораётганлиги шулардан далолат беради.

Бундан ташқари, саёқ муҳожирлар жиноий ташкилотларининг бошлиқлари Туркия территориясига бемалол кириб келишларигагина эмас, шу билан бирга қотил ва бандитларни оқлаб гижгижлатувчи қабиҳ ва антисовет баёнотлар бериб юришларига ким кўмак ва рухсат бермоқда экан, деган саволларни ҳам қўйиш мумкин.

Венгрия пойтахти Будапештнинг яқинидаги Будакалас деган ерда Обудай қишлоқ хўжалик кооперативи учун 45минг квадрат метр майдонни эгаллаган янги оранжерея қурилди. Бу ерда етиштирилаётган манзарали ўсимликлар асосан чет элларга экспорт қилинади.

МТИ—ТАСС фотоси.

ГУДПЕЙСТЕРНИНГ БОННДАГИ ДОКЛАДИ

БОНН. (ТАСС). Европадаги НАТО бирлашган қуролли кучларининг олий қўмондони, Америка генерали Гудпейстер НАТО ҳарбий блокининг аъзоси бўлган давлатларни «бирдамликка» даъват қилиб чиқди.

Боннда. «ташқи сиёсат немис жамияти» (ГФР) олдида доклад қилган Гудпейстер, машғулот «дзядага қилиш сиёсати» бундан буён ҳам «НАТО ҳаёти ва фаолиятининг» асосий негизларидан бири бўлиб қолиши керак, деб таъкидлади.

Германия Федератив Республикаси мудофаа министрлигининг хабар қилишича қараганда, Гудпейстер ГФР мудофаа министри Шмидт ва Бундесвернинг бош инспектори Мозьер билан музокаралар олиб боради. Шунингдек у, Ғарбий Германия армияси олий командирлар составининг конференциясида ҳам иштирок этади.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЗАРБАЛАРИ

ХАНОЙ. Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучларининг Куанг Нгай вилоятида ҳаракат қилаётган жангчилари Америка қўшинлари бўлинмаларига ва Сайгон қотиллари отрядларига қарши бир қанча муваффақиятли операциялар ўтказдилар. Вьетнам информация агентлигининг озодлик матбуот агентлиги маълумотларига асосланиб хабар қилишича, октябрнинг икки хафтаси мобайнида ватанпарварлар душманнинг 350 дан ортиқ солдат ва офицерини сафдан чиқарганлар. Америкаликлар тўртта самолётни уриб тушириган, бешта бронетранспортёри яксон қилинган.

(ТАСС).

Автомобиль товуш тезлигига яқинлашмоқда

Ўттиз яшар америкалик Гэри Гейблих «Зангори аланга» машинасида ерда ҳали ҳеч кўрилмаган катта тезлик — соатига 100 километрдан зиёд тезликда юрди. Унинг ракета машинаси Бонневилдаги (АҚШ) қуриган туз кўлининг тубидан ўтказилган трасса бўйлаб контроль миляни соатига 1000, 452 километр тезликда босиб ўтди. Аммо, жаҳон рекордини қўймоқ учун шу ҳам кифоя қилмади. Рекорд қўймоқ учун бир соат мобайнида контроль миляни икки томонлама босиб ўтмоқ лозим, бундаги ўртача тезлик эса бундан аввал эришилган рекордан 1 процент юқори бўлмоғи керак (мавжуд рекорд Крейг Бриндловники бўлиб, соатига 966, 571 километрга боради). Гейблихнинг машинаси трассани бир тарафига ўтганидан сўнг ёқилғи системасининг клапани отилиб кетиб, машинани ўз вақтида ремонт қилиб улгуролмади.

Гейблихнинг машинаси самолёт қуйруқли ракета бўлиб, ғилдиракли «тагликда» ётади. Двигателнинг конструкцияси «Аполлон» космик кемаларида ишлатилган двигателникига ўхшаш. Суюлтирилган табиий газ ёқилғи бўлиб хизмат қилади. Кези келганда шуни айтиш керакки, Гейблих лойиҳасига ҳам газ саноати билан алоқадор компаниялар маблағ бермоқда.

«Зангори аланга» тезлашиб олиши учун унча катта масофа талаб қилмайди — салкам 3 километр юрганидан сўнг ҳайдовчи двигателнинг бутун 58 минг от кучини ишга солиб юборади. 20 секундда ёқилғи ёниб битади. Трассани босиб ўтмоқ учун эса шу вақтнинг ўзи кифоя қилади. Пойгачи машинани тўхтатмоқ учун тормозловчи парашютларни ишлатади.

Машинанинг узунлиги 11 метр 65 сантиметр, қуйруғининг бўйи 2 метр 54 сантиметр, вазни 2947 килограмм. У соатига 1448 километр тезликда аэродинамик синовдан ўтган эди.

«Ракета» ҳайдовчиси ғоят мард ва жасур кишидир. Гэри Гейблих Америка астронавтлари группасида ҳам бўлган эди.

Автомобилда соатига 1000 километр юриш автомобиль техникаси тарихида эътиборга сазовор боскич эканлиги шак-шубҳасиздир. Автомобиль учиб кетаётганида пойгачининг қулоқлари худди самолёт пасаяётган чоғдаги каби битиб қолган...

Энди Гейблих товуш тезлигини ҳам енгиб ўтишга, яъни машинани соатига 1200 километр тезликда ҳайдашга тайёргарлик кўрмоқда.

В. КУКУШКИН,
(ТАСС).

АММОН. Бутун мамлакатдагидек, Иордания пойтахтида ҳам ҳаёт ўз изига тушмоқда. Шаҳарнинг марказий районларида магазинларнинг кўпчилиги. бозорлар очилди, айрим корхоналар, муассасалар ишлай бошлади, шаҳар транспорти ишга тушди. Озиқ-овқат ва сув билан таъминлаш бирмунча яхшиланди. Ташқи дунё билан алоқа тикланмоқда. Аммондаги халқаро аэропорт ишлаб турибди.

СУРАТДА: Аммон кўчаларидан бирида.

К. Дударев
фотоси, (ТАСС).

ИРҚЧИЛАРГА ҚУРОЛ ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШГА ҚАРШИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Консерватив ҳукуматнинг Жанубий Африка Республикасининг ирқчилар режимига қурол етказиб беришни қайтадан тиклаш ҳақидаги қарори Англия жамоатчилигининг турли доираларининг кескин қаршилигига дуч келмоқда. Англия либерал партиясининг раиси Десмонд Беккс, Англия ҳукуматининг бу қадами мамлакат учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин, деди. Беккс Жанубий Африка Республикасига қурол етказиб беришини оқлаш учун консерватив ҳукумат фойдаланаётган далиллар ҳеч қандай асосга эга эмас эканлигини айниқса таъкидлаб ўтди.

Буюк Британия Коммунистик партияси, лейбористлар партияси аъзоларининг катта қисми, мамлакатнинг жуда кўп жамоат ва сиёсий ташкилотлари консерваторларнинг Жанубий Африка Республикасига қурол етказиб бериш ниятига қарши чиқмоқда.

Ёз неъмати—қиш ғанимати

ПОМИДОРДАН ШАРБАТ ВА ТОМАТ

Помидорни юзлаб таомларга қўшиб пиширш, ўзидан мустақил таом тайёрлаш, хомлигича ейиш, салат, ҳар хил тузланган ва сиркалаб қишга сақланадиган усулларини биласиз.

Бу ажиб неъматдан шарбат ва томат тайёрлаб олиш усулларини ҳам ўртоқлашмоқчиманки, қишда бола-чақаларингиз билан ҳузур қилиш учун дармондори ва ҳар турли таом жавҳарларига бой масаллиққа эга бўласиз.

ШАРБАТ

Помидорнинг қилқизил пишган серэт навларидан олиб дастлаб совуқ сувда, сўнг илиқ сувда ювиб юборилади, заҳа жойлари кесиб, хом хилларини ажратиб ташланади.

Ювилган масаллиқни майда тўғраб эзинг. Ҳосил бўлган массани докадан ўтказиб, уруғидан халос этган, шарбат сирланган кострюлкага қуйиб, бир литрига 1 ош қошиқи да туз ҳисобида аралаштириб қайнатилади. Қайнатиш муддати то шарбат юзидаги кўпик йўқолгунча. Сўнгра олиб шишаларга қуясиз ва идиши билан бошқа кострюлкадаги иссиқ сувга солиб 10-12 минут қайнатиб стрелизация қиласиз.

Узоқ сақлансин учун ҳар бир 0,5 литрли шишага 1 донадан аспирин ё стрептоцид ёки биолицин ташлаб, пўкагини мустаҳкамлаб олиб қўясиз. Шарбат то май ойи — янги помидор ҳосилигача сақланаверади.

Қишда шарбатнинг ўзини ичиш, шўрваларга қуйиш ёки хўплама деган овқат тайёрлаш учун ишлатилади.

ТОМАТ

Бу масаллиқ қишда сотувда кўп бўлади, лекин хонакисига не етсин. Хонаки таомга помидорнинг барча навлари яроқли бўлиб, ҳиди етилгани бўлса бас. Сарлагач, иссиқ сувда 2-3 марта ювинг, сўнг майда тўғранг ёки эзинг, Ҳосил бўлган массани сирланган идишга солиб, оловга қўйиб ёғоч қошиқ билан аралаштириб турасиз. Қайноққа келган ҳолида олиб сим элакда сузасиз. Уруғ ва пўстидан халос бўлган шарбатни яна кострюлкага қуйиб пиширасиз, ёғоч қошиқ ёки куракча билан бетўхтов аралаштириб турмасангиз идишга ёпишиб, куйиб қолиши мумкин.

Шарбатни кострюлкага учдан бир нисбатига қуйиш керак, акс ҳолда қайнаб кўпиқ ҳосил қилади-да, тошиб кетади.

Идишдаги масса қуюқ атала ҳолига келганда пиширишни тўхтатасиз. Иссиғида шиша банкаларга солиб, бир килограмм томатга 75 грамм туз қўшиб қопқоғини беркитиб қўйинг ва тўнтарилган ҳолда совитиб қишга сақланг.

К. МАҲМУДОВ,
пазанда.

Ливиу РЕБРЯНУ

ҲАСАД

РОМАНДАН ПАРЧА

Сависта ҳали ҳам ўз жойида ўтирарди. Ана ёнига келганда, тупурди-ю, чиябўридек увиллади.

— У-у-у... У-у-у! Шармандалик... Жеорже ҳаммани ўлдиради!..

Бироқ Ана гўё уйида биров кутаётгандек илдам юриб борарди. Қуруқ йўлда пошнаси тақиллар, қўш елкасини қизидирар эди.

Ҳовлига кираётганида эшик шу қадар аянчли ғийқилдики, юраги шиғ этиб кетди. Ион енгларини шимариб олганча аравачанинг шотисини йўнмоқда эди, у ҳар болта урганида «их», «их» деб қўярди. Ион бир зум ишидан тўхтаб, хотинига қараб турди, гўё бошқа, кўнглига яқин аёлнинг жамолини томоша қилишига халақит қилгандек қовоқ-тумшуғи осилиб кетди. Ана унинг ёнидан ўтаётиб, унга қиё ҳам боқмади. Даҳлизнинг эшиги ланг очиқ эди, ичкаридан буруқсаб тутун чиқарди. Ҳовлида Гланеташу оғзи очиқ, ҳуррак отганча ўринда узала тушиб ётарди. Кўзи қонга тўлган Зенобия ўчоқ олдида ўт пуфларди. Келинига кўзи тушгач, ўтни жўнаштириш учун кўмирни ковлаб саннай кетди:

— Уззу кун санқигани санқиган, эрли хотинмиш бу тағин... Пуф-ф... пуф, пуф... бу ёқда иш қалашиб ётибди... пуф... дайди, тагли-тахтли одамлардан эмас. лўлидан тарқалганга ўхшайди... Жиндек ҳам сенда... пуф-ф... уят-андиша йўқ экан... пуф... ростим номус деган нарса...

Ана унинг гапларини эшитарди-ю, лекин магзини чақолмасди Буларнинг ҳаммасини тушида кўраётганга ўхшарди. Кейин бир вақт алланарса эсига тушди-ю, чақалоқни Гланеташунинг оёқ томонига яхшилаб ётқизди ва ичам қилиб йўргаклаб уч марта чўқинтирди... У бу ишларни адо этаётиб яна ўйлаган ишини унутгандек саволчан назар ташлаб серрайиб қолди... Кейин сапчиб тушди-да, шошa-пиша даҳлизга чиқди ва ҳадеганда қидирган нарсасини тополмаганидан жиғибийрон бўлиб, бурчакларни тита бошлади. Даҳлиздан лип этиб ҳовлига чиқди, бўсағада бақор қуёшининг равшан нури юзи-кўзига тушди. Ана эсанкираб кўзларини пир-пир учирди. Ранги сўлғин ва заҳил, бурни сўррайиб, ияги диккайиб қолган бу аёл жонидан тўйган, коумид кимсанинг нақ ўзи эди. У қўлларини қайиргиси келар, бироқ бунга мажоли етмас эди... Хаёлига қандайдир янги фикр келди-ю, югурганча оғилхона томон кетди...

Бу ерда кўзи қоронғиликка кўниккунича у тимирскиланиб қадам босди. Кейин тарғилга кўзи тушди. Елкасининг суяги туртиб чиққан. ёнбоши обкашни эслатадиган, елини ерга тегай-тегай деб турган бу сигирни отаси унга сепга қўшиб берган бўлиб умри бўйи тўйиб овқат емаганга ўхшарди. Тарғил, хўш, сенга нима керак, дегандек катта-катта, хотиржам ва маъюс кўзларини унга тикди. Ана унинг орқасини силади. аммо сигир оғрингандек бошини бурдида, тумшуғини оғилга тикди ва пишқириб нушхўрт хасни тўзғитди... Унинг ёнида Ионнинг сигири — Неделька кавшанмоқда эди. Ундан нарида, ўнг томонда икки ориқ от тоқатсизланиб кишнарди... Чап ёқда эса, хўкизлар мудраб ётарди.

Ана нуқул имиларди. Нима қидираётганини унутиб тўхтаб қоларди-да, эслагач эса, яна тараддудга тушарди. Шу алпозда у кичкинагина оғил олдига келиб қолди. Илгари бу ерда бузоқ турарди. Ион уни сотиб пулини адвокатга тўлаган эди. Устунда ял-янги арқон осиғлиқ эди. Сигир соғаётган вақтларида бузоқни шу арқонга боғлаб қўйишарди. Ана арқонни қўлига олиб уни ёзди-да, гўё хурсанд бўлгандек жилмайди. Кейин теварак-атрофни кўздан кечирди. Бу ернинг йўғон ходалардан қилинган девори қўл узатса етадиган даражада паст эди. Ана арқоннинг учини тарғилнинг ёнидаги эшик тепасидаги четки ходага ташлади-да, чандиб боғлади. Бошқа учидаги сиртмоқни кенг очиб, қўйиб юборди ва унинг тобора суст тебранишига қараб турди. Шу пайт тўсатдан кўзига Аврум кўриниб кетди. Шунда у марҳум энди уни даҳшатга солмаётганини, ҳатто ғалати жилмайиб, имлаб чақираётганини кўриб ҳангманг бўлиб қолди.

У шивирлаб:

— Э, худо, ўз паноҳингда асра мен осий бандани... — деди-ю, диққинафас эмистондан чиқишга жазм қилиб эшик томон юрди. Эшик тирқишидан қуёшнинг сариқ нури тушар, унда минглаб ранго-ранг зарралар жилва қилар эди. Ташқеридан болта товуши ва чумчуқларнинг қаттиқ зардали чирқиллаши эшитиларди. У нари юрмоқчи бўлган эди, кўкқисдан жилоланаётган зарралар орасида устара ушлаб турган Думитруни кўриб қолди. У гўё уни имлаб чақираётгандек тебранар эди. Ана ўтакаси ёрилиб орқасига қаради... Арқон энди, силкинмас, худди алланарсанинг залвари босгандек таранг осилиб турар эди. Ана нега бу таранг турибди деб ўйлаган эди, сиртмоқда Аврумнинг калласини кўриб қолди. Аврум тиржайиб турарди, бу Ананинг жаҳлини чиқариб юборди.

У ишбилармандлик билан бамайлихотир рўмолини ечди ва тарғил билан Неделькани айириб турган тўсинга қўйди. Кейин жаҳл билан кўзи баровар турган сиртмоқ томон юрди. У оёғининг учида кўтарилди-да, сиртмоқни иккала қўли билан ушлаб бўйнига солди. Бир қўли билан арқонни, бошқаси билан сиртмоқни ушлаганча сиртмоқ ҳалқасини яланғоч бўйнига яхшироқ ўрнатгунча она сути оғзига келди. Бўйнини чўзганча қаққайиб турганда оёғининг томири тортишиб қолди. Ҳушини йўқотишдан қўрқиб кўзини юмди ва арқонни қўйиб юборишга уриниб кўрди. Бу ёқда оёғи ҳам толиб, тиззаси букилиб кетаверди. Сиртмоқ борган сари қаттиқроқ бўға бошлади.

У оғриқни сезмади, фақат назарида сиртмоқни бўйнига дурустроқ салолмагандек туюлиб, шошқалоқлик қилгани учун ўзини койинди. Томоғи тирналганини сезиб, оғзи билан кўзини очди. Шу пайт бирдан миясида ана энди ўламан, деган фикр ялт этиб пайдо бўлди. Жон-пони чиқиб, оёғини ерга тирамоқчи, ажал чангалидан қутулиб қолмоқчи бўлди. Бироқ оёғини ҳар қанча типирчилатмасин барибир оёғи ерга тегмади. Шунда жуда қўрқиб кетди, нафаси чиқмай бўғилиб қолди. Тили шишиб, оғзини тўлдириб қўйди. Тилини чиқаришга мажбур бўлди... Кейин аъзойи баданида сон-саноқсиз қумурсқалар юргандек туюлди... Кейин гўё зорикиб кутган севгилиси зўр эҳтирос билан суякларини қисирлатиб бағрига босгандек бутун вужуди яйраб, бениҳоя лаззатланди... У чиқиримоқчи бўлди-ю, бироқ қичқира олмади, икки марта бўғиқ хирилади, холос. У ҳолдан тойиб, шалвираганча осилиб қолди. Миясидан яшин тезлигида зимзиё тун, печь, изтироблар, ҳузур-ҳаловатлар ўтди... Кейин ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Косасидан ирғиб чиққан кўзлари ҳеч нарсани кўрмасди... Тили эса бутун умр дардини ичига ютиб, миқ этмай юришга маҳкум этилгани учун ўч олишга қасд қилгандек тобора масхарабмуз осилиб борарди.

Тарғил тиқир-тиқир тингач, бошини ўгириб, ҳайрон бўлиб қаради. Думини силкитган эди, думи Ананинг этагига тегди. Ана қимир этмади. Яшил тилини авал чап томондан сўнг ўнг томондан чиқарди-да, парвойи фалак кавш қайтара бошлади.

Хийла вақтдан кейин Зенобиянинг аччиқ-тизиқ гаплари эшитилди.

— Ана!... Хув, Ана! Илойим, арвоҳ уриб, жин чалсин сени! Одам деган шунақаям дангаса, безбет бўладими?! Худонинг берган куни итдек изғиб, боласини менга юклаб кетади-я! Унинг йиғиси қулоқ мияни ейди... Ана... Сен ҳам, сени менга келин қилиб олиб келган ҳам балога гирифтор бўлсин! Илоё ўлигинг чиқсин, бекомус...

Ишидан бош кўтармай Ион пўнғиллади:

— Кўргандек бўлувдим, оғилхонага кириб кетувди. Ухлаб қолди-ми ўша ерда!

Зенобия зинғиллаганча оғилхонага борди-да, эшикни ланг очиб юборди. Қўшнинг чароғон нури ичкарига ёғилди... Бироқ шу пайт Зенобия ўтакаси ёрилиб ўзини орқага ташлади-да жон талвасасида қичқирди:

— Вой-дод!.. Қутқаринглар... Бу ёққа!.. Ионика! Ана ўзини осиб қўйибди!.. Е алҳазар, бу фалокат ҳам бормиди? Ўзини осибди-я!

Ананинг жасадини кўрганида Ионнинг бошига биров тўқмоқ билан тушургандек бўлди. У марҳуманинг олдида эси оғиб, кафти билан оғзини беркитганча турар экан, мияси чидаб бўлмас даражада зирқираб оғрир эди. Шу топда у Ананинг Жеорже билан Флориканинг тўй куни айтган қўрқинчли сўзларини эслади. Уликни кўрганда қўрқув ва ҳайратдан ҳар ким ҳам ачинади. Худди шу тахлит Ион ҳам дастлабки дақиқаларда эсанкираб қолди. Бироқ кейинчалик хотинининг тавъяи-тараққос бўлиб кетган башарасини аниқ-таниқ кўргач, у билан деярли ўн икки ой мобайнида бир тўшакда ётганига ажабланди ва ўзини ўзи ўлдириб тўғри иш қилди деб хулоса чиқарди... Бир оздан сўнг бекордан-бекорга Зенобияга бақириб берди;

— Бола қани, ойи?.. Болага қара!.. Дарҳол унинг олдига бор!..

Бола тўғрисидаги ташвиш унинг хаёлини бутунлай чулғаб олди ва бир зум бўлсин уни ўз ҳолига қўймади.

Василе Бачу кечга яқин ювиб-тараланган, қўллари кўксига чалмаштирилган Ана стол устида ором олиб ётганида келди. У қизига узоқ тикилди, томоғига тиқилган коптоқдек нарсани қулт этиб ютди ва Ион билан икки-уч оғиз сўзлашди. Аммо иккови ҳам бирбировининг кўзига қарамади. Зенобия қудасига Ана қишлоқдан қандай келганини, болани каравотга ётқизганини, кейин ташқарига чиқиб кетганини, борди-ю, чақалоқ йиғламаса уни тополмаслигини ипидан игнасигача қолдирмай сўзлаб берди...

(Давоми бор).

(Давоми. Бошн газетанинг №250-сонида).

БАҲАВО БОҒ ҚЎЙНИДА

Фрунзе район кутубхонаси Киров номли истироҳат боғида жойлашган. Бу илм маскани китоб ихлосмандлари билан доим гавжум.

— Бу йил,—дейди кутубхона мудири А. К. Гормаш, —китобхонларимиз сони янада кўпайди. Шу кунгача китоб ихлосмандларининг сони беш минг нишондан ошиб кетганлиги коллективимизни қувонтирмоқда. Ўз навбатида китоб фондимиз ҳам улар эҳтиёжига яраша бойиб боряпти. Китоб фондимизда 57 мингдан ортиқ бадиий-сиёсий ва илмий адабиётлар бор.

Китобхонларнинг талабларини ўз вақтида қондиришда, улар билан ҳушмуомала бўлишда кутубхоначи Лариса Шевченконинг хизмати мақтовга сазовор. У ўз касбига ихлос қўйиб, китобхонлар эътиборини қозонмоқда.

А. ИНОҒОМОВ,
Ж. РАЗЗОҚОВ.
СУРАТДА: кутубхонада.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 23|Х да **Чио-Чио-Сан**, 24|Х да **Жизель**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 23|Х да **Ўғирланган умр**, 24|Х да **Олтин девор**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23|Х да **Гули Сиёҳ**, 24|Х да **Елғончи даркор**, 25|Х да **Катта концерт**.

Кино

23 ОКТЯБРДА

Спартанлик уч юз баҳодир — «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч. қуруқ).

Остонадан ҳатлаб — «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», «ВОСТОК» (кечқурун).

Муқаддима — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Чорбоғдаги саргузаштлар — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Она муҳаббатн—НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, кечқурун).

24 ОКТЯБРДА

Спартанлик уч юз баҳодир —«МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Остонадан ҳатлаб — «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Муқаддима — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Чорбоғдаги саргузаштлар— САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Она муҳаббатн— НАВОИЙ номли (ўзбек тилида кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11 уй)

ОЛЕГ СОКОЛнинг

ССРДА ЯГОНА ЭЛЕКТРОН-ИЛЛЮЗИЯ АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ЭЛЕКТРОМЕХАНИК АССИСТЕНТ РОБОТ ИШТИРОКИДА

«МЎЪЖИЗАСИЗ МЎЪЖИЗАЛАР»

ва катта ҳар турли программалар.

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари: кундуз соат 3, кеч 6 да; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан очиқ.

ОБУНА—«СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИКЛАРИДА, АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОБУНА НАРХИ—1 йилга 6 сўм;
6 ойга 3 сўм;

3 ноябрь кундуз соат 1 да Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетининг илмий совет кенгашида қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

М. Д. Хондроян; «Тошкент областининг ўтлоқи тупроқларида мажбажўхори дурагайларини олиш учун ота-она навларини танлаш уларни ўрганиш» деган темада;

К. Н. Содиқов; «Ўзбекистон тоғлик ламмикор зоналарида бугдойни ҳар-хил географик шароитда келиб чиқиши» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Тошкент область, Орионикидзе-4) да танишиш мумкин.

3 ноябрь кундуз соат 2 да Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлар институтининг илмий совет кенгашида техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун.

В. И. Ионин; «Трактор дизелининг ҳархил ёнилғиларда ишлашда унинг иш процесси кўрсаткичларини ошириш имкониятларини текшириш» деган темада;

Г. Н. Павлов; «Мирзачўл шароитида лотокли суғориш шохобчалари ёрдамида ғўзани суғориш усули ва тартиби» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Қорининёзов кўчаси, 39-уй)да танишиш мумкин.

5 ноябрь эрталаб соат 10 да Тошкент политехника институти инженерлик физикаси ва энергетика факультетларининг совет кенгаши (Студентлар шаҳарчаси, ТошПИ, инженерлик физикаси корпусида техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Х. Абдульфад; «Саноат частотали индукцион камераларидаги ёғоч материалларини қуритишда ишлатиладиган уч фазали соленоидларни текшириш» деган темада;

О. Қурбонбердиев; «Ўз таркибида парпорини катта миқдорда бўлган неортъларини иссиқлик алмашиши ва гидравлик қаршилигини аниқлаш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Навоий кўчаси, 13-уй)да танишиш мумкин.

5 ноябрь эрталаб соат 11 да Тошкент политехника институти механика, автомобиль йўллари ва самолётсозлик факультетларининг кенгаши (Навоий кўчаси, 13-уй)да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

М. М. Миразамов; «Ташқи айлана юзаларини силлиқлашда юза қатлам сифатини ошириш имкониятларини тадқиқот этиш» деган темада;

А. В. Пятаев; «Тўхташ ҳолати аниқ бўлган муфтанинг динамик параметрлари» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Навоий кўчаси, 13-уй)да танишиш мумкин.

ТЕЛЕВИЗОР

23 ОКТЯБРЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида; 18.00** Болалар учун мультфильм. **18.10** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари клуби». **18.50** «Ахборот» информацион программаси. **19.05** САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. «Самарқанд ҳамиша мен билан». Ҳужжатли фильм премьераси. **Узбек тилида; 20.05** Ота-оналар университети. **20.45** «Ахборот» информацион программаси. **21.00** «Оламга сафар». Кинокўрсатув. **21.50** КПСС XXIV съезди шарафига. «4 МИЛЛИОН 400 МИНГ ТОННА УЧУН! **22.05** ПАХТА ТЕРИМИДА ҚАТНАШАЁТГАНЛАР УЧУН КОНЦЕРТ. **23.00** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

18.00 2-синф ўқитувчилари учун консультация (рус тилида). **18.30** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. «Олий математика» (ўзбек тилида). **19.15** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика (рус тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Янгиликлар. **20.15** Тележурнал. **20.45** Ҳужжатли фильм. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Рангли телевидение. Болалар учун. «Қувноқ шаҳарча». **21.30** Телеочерк. **22.00** «Вақт» информацион программаси. **22.30** Рангли телевидение. Хоккей бўйича СССР биринчилиги. «СПАРТАК» (Москва)—«ДИНАМО» (Москва). **00.45** Музикали учрашувлар. СССР Давлат Академик опера ва балет Большой театри скрипачилар ансамблининг концерти. **01.15** «Современник» театрининг ўн бешинчи мавсуми. **02.20** «Оқшом куйлари». **03.20** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. **03.30** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида; 20.00 «Шаҳримиз гўзаллиги ва озодалиги учун». **20.20** «Дутор куйлари». Телефильм.

Рус тилида; 21.10 «Эмил Дмитров қўшиқлари». Фильм-концерт. **21.35** «Кето ва Котэ». Бадиий фильм.

24 ОКТЯБРЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.55 Кўрсатувлар программаси.

Узбек тилида; 11.00 Телевизион миниатюралар театри. **11.40** «Женя, Женичка ва Катюша». Бадиий фильм.

МОСКВА КУРСАТАДИ

13.00 Кўрсатувлар программаси. **13.05** Гимнастика ҳамма учун. **13.30** Янгиликлар. **13.40** Болалар учун мультфильмлар. **14.15** Концерт.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 Кўрсатувлар программаси. **17.00** Футбол бўйича СССР биринчилиги. «Пахтакор»—«Арарат» (Ереван). Танаффус вақтида «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). **18.45** «Ахборот» информацион программаси (ўзбек тилида). **19.00** САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС ВА КОНЦЕРТ. Самарқанддан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида кинофильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

12.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тилидан 3-машғулот. **12.30** «Электрон техникаси» (ўзбек тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

15.00 Сахалин телевидение студиясининг программаси. **16.30** «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. **17.00** Рақс ҳаёти. **18.00** Фан ва техника факультети. **18.40** Янгиликлар. **18.45** Маданият фасллари. Классик опера. **19.30** Музикали учрашувлар. **20.00** Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ЧЕРНОМОРЕЦ» (Одесса)—ЦСКА. **21.05** «Ярим аср йилномаси». Кўп сериялн телевизион ҳужжатли фильмнинг 1957 йил ҳақидаги сериясн. **21.45** Эфирда «Молодость». **22.45** «Анна Каренина». Бадиий фильмнинг 1-сериясн. **00.30** Рангли телевидение. П. Мериме. «Карлов кўчалари бўйлаб». Телеспектакль. **01.30** Ленинград оқшоми. **02.30** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. **02.40** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ДУШАНБА КУРСАТАДИ

18.00 Экран — болаларга. **19.00** Янгиликлар. **19.20** Беш йилликнинг ҳал қилувчи йили. **19.40** «Узоқ Гарбда» Бадиий фильм. **21.15** Оқшом эртаклари. **21.25** Халқ чолғу куйлари. **22.00** Янгиликлар. **22.25** «Дилкушо» чойхонаси.

РАДИО

23 ОКТЯБРЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Янги урф-одатлар ва анъаналар» (ўзбекча). **18.10** Нодир ёзувлар. **19.20** Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (татарча). **20.00** «Ўзбекистан индустриальний». радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Пахтакорлар учун концерт. **22.30** Театр микрофони олдида.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ўзбекистон артистлари иккросида ғарб композиторлари операларидан парчалар. **19.30** «Ўтмиш сафарлар қўшиқлари». Музикали эшиттириш (русча). **20.00** Жомий. Навоий ва Ҳофиз газаллари билан айтиладиган қўшиқлар. **20.30** Халқ куйлари. **20.50** «Шаҳарликларнинг пахта майдонларидаги жасоратлари» (русча). **21.00** Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Деҳли конференцияси. М. Сайд аль-Арян. «Халқ армиясининг солдати». Ҳикоя (ўзбекча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 Л. Яначек. «Консиз уй» дан» операси.

24 ОКТЯБРЬ

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Пахтакорлар учун тонгги концерт. **8.25** «САМАРҚАНД САЙҚАЛИ». Концерт. **9.30** В. Мейен. Самарқанд сюитаси. **10.10** «ДУГОНАЛАР» радиожурнали. **11.15** Э. Арутюнян. Торли квартет. **12.15** Самарқанд «ҲУЖУМ» фабрикаси ходимларининг талабларига мувофиқ концерт. **13.30** Ўзбекистон композиторларининг эстрада қўшиқлари. **15.10** «Правда» газетасининг обзори. **15.20** «САМАРҚАНД ЮБИЛЕЙИ». Адабий-музикали композиция (русча). **16.10** Эстрада артистларининг катта концерти. **17.20** Ўйғур куйлари. **17.50** «Идеология ва ҳаёт», (ўзбекча).

18.00 ФУТБОЛ. «Пахтакор» — «Арарат». «Пахтакор» стадионидан олиб эшиттирилади.

Соат 18.50 да

САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2500 ИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС ВА КОНЦЕРТ ОЛИБ ЭШИТТИРИЛАДИ. **21.00** «Қардош социалистик мамлакатларда» (ўзбекча). **21.10** Пахта далаларн меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** «Зарафшон қизи» музикали драмасининг монтажи. **24.00** Тунги концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Куйлардан-куйларга. **9.15** Спорт эшиттириши (русча).

19.00 В. Бушин. «Ноябрь кунларининг бирида, Лондонда» (ўзбекча). **19.30** Ҳамза номли ўзбек Давлат Академик драма театрининг 50 йиллиги олдидан. «Октябрь тонги қизи» радиоочерки (русча). **20.00** «САМАРҚАНД ТОНГИ». Адабий-музикали эшиттириш (тожикча). **20.30** Қўшиқ ва рақслар. **20.45** М. А. Охунова. Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институтининг директори. «ОЛИМЛАР ҲИССАСИ». Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланади (русча). **21.00** Рақс куйлари. **21.40** «САМАРҚАНД — 2500 ЁШДА» деган суҳбат (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Я. Иванов. Бешинчи симфония. **15.30** А. Қутуй. «Жўнатилмаган хатлар». Радиопостановка (ўзбекча). **17.30** Н. Султонов. Номаълум қиши» спектаклининг радиокомпозицияси. **19.00** «Дугоналар» радиожурнали.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ.
23 ОКТЯБРЬ, 1970 И.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР 3139.
Р—02919.